



# TAMADDUN NURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,  
маданий-маърифий,  
адабий-бадиий журнал  
Икки ойда бир марта чиқади

## МУАССИС:

Қорақалпоғистон Республикаси  
Беруний тумани ҳокимлиги

## ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими  
Хоразм Маъмун академияси

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирожиддин САЙИИД  
Муҳаммад АЛИ  
Кенгесбой КАРИМОВ  
Иқбол МИРЗО  
Гулистон МАТЁҚУБОВА  
Қурбон ШОНИЁЗОВ  
Аҳмад ОҚНАЗАРОВ  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ  
Дониёр ҲОЖИЕВ  
Муротбой ЖУМАНОВ

## БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

## БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Нафмет АИМБЕТОВ  
Файратдин ХЎЖАНИЁЗОВ  
Қахрамон ҚУРОНБОЕВ  
Кувончбой ЎРОЗИМБЕТОВ  
Шорустам ШОМУСАРОВ  
Каримбой ҚУРОМБОЕВ  
Зарифбой ДЎСИМОВ  
Олмос УЛВИЙ  
Ваҳоб РАҲМОНОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Алима БЕРДИМУРОДОВА  
Марат НИЁЗИМБЕТОВ  
Неъмат ПОЛВОНОВ  
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА  
Баҳодир ЭШОВ  
Машариб АБДУЛЛАЕВ  
Ўктам МАВЛОНОВ  
Муҳаммадшариф ХЎЖАНИЁЗОВ  
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ  
Норбек ТАЙЛАКОВ  
Сафо МАТЖОНОВ  
Усербой АЛЕУВ  
Мэлс ҚОБУЛОВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

## Саҳифаловчи-безовчи:

Ғиёсиддин ҲАРАЛОВ

## Техник муҳаррир:

Улуғбек САИДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали  
таҳририятининг компютерида  
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 07.00.00 "Тарих",  
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00  
"Филология" ихтисослиги бўйича  
руйхатига киритилган.

# МУНДАРИЖА

## ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ

Элмурод ТУРСУНОВ. Нодавлат нотижорат ташилотларига оид қонун ҳужжатлари...	2
Рустам КУРБАНБАЕВ. Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарликлари...	4
Баҳром КТАЙБЕКОВ. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар...	6
Исатай АЛДАБЕРГЕНОВ. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини...	8

## ХАЛҚ РИЗҚИНИ ЕРДАН УНДИРИБ...

Анвар ЮЛДАШЕВ. Республикада биринчи...	10
--	----

## ТАРИХ. БЕРУНИЙ МЕРОСИДАН

Абу Райҳон БЕРУНИЙ. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асаридан парчалар...	12
--	----

## ТАРИХ БИЛАН УЧРАШУВ

Яҳё ҒУЛОМОВ. Хоразмнинг сўғорилиш тарихи...	16
---	----

## ТАРИХ

Қурбонбой СОБИРОВ. Ровияжон ОТАМУРАТОВА. Музаффар МАРИМОВ. Ўрта осиеда табиий-иқтисодий маконлар...	20
Сапарбой НАВРУЗОВ. Нафосат БОТИРОВА. Зарнигор ҲАСАНБОЕВА. Қадам етмас ўлка эди...	24
Гулараи МАШАРИПОВА. Абу Райҳон Беруний асарларида ижтимоий-сиёсий...	28
Ёсин ОРТИҚОВ. Ўзбекистонда яшовчи дунганлар тарихи...	31
Улуғбек МАНСУРОВ. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий муаммолар...	35
Азизбек МУМИНОВ. Туризм истиқболлари...	39
Садоқат МАТКАРИМОВА. Балиқдан тайёрланадиган таомлар...	43
Соилжон ТИЛЛАБОВ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида...	46
Муборак МАТЯКУБОВА. Ровияжон ОТАМУРАТОВА. Феруз саройида адабий – бадиий муҳит...	62
Машариб АБДУЛЛАЕВ. Хоразм меъморчилиги безакларида амалий санъатнинг ўрни...	69
Умида ЭМИНОВА. Аграр соҳа ривожига фермерликнинг ўрни: ислохот ва истиқбол...	85
Заҳриддинбобир ҲАЙДАРОВ. Совет даври ва мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятлар...	88
Ҳамдам МАТЯКУБОВ, Жаҳонгир ҚОДИРОВ. Қадимги хоразмнинг илк темир даври жамияти...	94

## ФИЛОЛОГИЯ

Саъдулла МАТЯКУПОВ. Шеърятда мулоқот шаклларида ифодаланиши...	49
Мансурбек БАБАДЖАНОВ. Ўзбекча – қорақалпоқча таржималарда ибораларнинг ўзга объектли...	52
Мадамин ЭШМУРАДОВ. XX асрнинг биринчи ярмида битилган Хоразм тарихи...	54
Иқболлой ЁВМУДБОЕВА. Тил сиёсати жараёнининг ижтимоий-сиёсий нотикликка таъсири...	56

## ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК

Жамила АСҚАРОВА. Эртақ ижроси ва маросимлари...	59
---	----

## БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Тамара ХЎЖАНОВА. Ёш авлодни замонавий илм-фан ютуқлари асосида тарбиялаш...	66
---	----

## ЖАМИЯТШУНОСЛИК

Мурод АЛЛАНАЗАРОВ. Ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти...	72
Нуралӣ СИДИКОВ. Янги жамият қуриш жараёнида ёшларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш...	78

## ФАЛСАФА

Дилфуза АТАЕВА. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин – қизларга муносабат...	75
--	----

## МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Нодира ҲАМРОЕВА. Ёшлар тарбиясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалланиннг ўрни...	82
---	----

## ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Санобархон САИДОВА. Василий Александрович Сухомлинскийнинг педагогик системаси...	92
---	----

## НАСР

Ойдана БЕКЖАНОВА. Араз...	98
---------------------------	----

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Зиротнома...	99
--------------	----

**Манзилимиз:** Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани "Халқлар дуст-  
лиги" кўчаси, 11-уй. e-mail: qurbonboeva@inbox.ru **Тел.:** (+99893) 718-30-23  
Босишга 06.29.2019 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ¼. Нашриёт ҳисоб табоғи 6,5. Индекс – 960  
Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн  
ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.  
Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Бунюртма № 6.  
Адади 2100 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

ISSN 2181-8258

## БАЛИҚДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТАОМЛАР, УЛАРНИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАР БИЛАН БОГЛИҚ ИРИМ-СИРИМЛАР

**Резюме:** Ушбу мақолада Хоразм воҳасида балиқдан тайёрланадиган таомлар, уларнинг фойдалилик хусусиятлари, шунингдек балиқ ва балиқ таомлари билан боғлиқ ирим-сиримлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** балиқ, сазан, чихомбил, балиқ инончи, мифик жонзот, балиқ таомлар, ирим-сиримлар, ҳалол, муқаддас балиқлар.

**Резюме:** В этой статье освещены пиши изготовленные из рыбы, пользы рыбных блюд, разнообразные приметы связанные с рыбой и рыбных блюд.

**Ключевые слова:** рыба, сазан, чихохбили, рыбное суеверие, мифический образ, рыбные блюда, приметы, чистые блюда, священные рыбы.

**Annotation:** This article discusses fishery habits in Khorezm oasis, their usefulness, and fisheries and fish dishes.

**Keywords:** Fish, carp, chicombil, fish conscious, mythical creatures, fish dishes, herbs, honey, sacred fish.



**Садоқат  
МАТКАРИМОВА,**  
Урганч давлат  
университети,  
тарих фанлари  
номзоди, доцент

Амударё ўзининг ҳосилдор лойқа суви билан бирга, хилма-хил балиқларни ҳам хоразмликларга ҳадя этган. Шундан Хоразм ҳудудида қадимдан аждодларимиз балиқчилик билан кенг шуғулланишган. Хоразм ҳудудини тадқиқ қилган археологлар ҳам Калтаминор маданияти қавмлари фақат балиқчилик билан ҳаёт кечирганликларини таъкидлайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, Хоразм ҳудудида илгари кўллар жуда кўп бўлгани учун воҳа аҳолиси асосан балиқчилик билан шуғулланган ва таомномасида албатта балиқдан тайёрланган турли таомлар бўлган. Шундан, воҳа аҳолиси “ойда балиқ, йилда туёқ”, яъни ҳар ойда ҳеч бўлмаганда бир марта балиқ, бир йилда ҳеч бўлмаганда бир марта туёқ ейиш фойдали, деб ҳисоблашади[1]. Бу ерда балиқ таомлари турли хил, чунки айнан балиқ билан шуғулланадиган аҳоли асосан фақат балиқ истеъмол қилганлиги учун ҳам, уни тайёрлашнинг яхна тамадди, суюқ шўрва, димлама, қовурма каби усулларини, уни қуритиб истеъмол қилишни ўйлаб топишган.

Хоразм балиқлари ҳозир ҳам жуда мазали бўлиб, бу ерга келиб уни истеъмол қилган киши яна бир бор ейишни хоҳлайди. Қуйида балиқдан тайёрланадиган суюқ ва қуюқ таомлар хусусида тўхталамиз.

**Балиқ қовурдоқ** – балиқнинг қовуриладиган тури ҳисобланиб, воҳада у жуда севиб ва кўп истеъмол қилинади [2]. Хоразм воҳасида балиқнинг увилдириги жуда қадрланади, шунинг учун ҳам, увилдирикни унга қориб, кейин қовуриб севишли таом сифатида истеъмол қилишади.

**Балиқ шўрва** – ушбу таомни тайёрлаш учун балиқ тилла тангачаларидан тозаланиб, бўлақларга бўлинган тарзда қозонда қайнаб турган сувга солинади. Қайнагач, вақти-вақти билан шўрванинг кўпиги олиб турилади. Унга қўшимча тарзда тўғралган пиёз, картошка, помидор ва сабзи солинади. Балиқ ҳил-ҳил пишганда махсус лаганга солинади. Шўрва сувидан тайёрланган махсус шўр сув балиқ устига сепилади ва дастурхонга тортилади. Шўрваси эса косаларда

келтирилади. Балиқ шўрва жуда хушхўр ва шифобахш таом ҳисобланади.

Балиқ шўрвасининг жўхори ёки тариқ унidan тайёрланган хамир узиб солинадиган тури ҳам мавжуд бўлиб, кекса авлод уни жуда хуш кўриб истеъмол қилади, чунки у анча тўйимли таом ҳисобланади.

**Сазан балиқ шўрваси** – ўз номидан маълумки, ушбу шўрвага фақат сазан балиғи танланади ва у сариқ касаллиги учун махсус пиширилади, чунки бу таом жигари оғрийдиган беморлар учун шифо бўлади.

**Севган балиғидан тайёрланган шўрва** – кишига дармон бағишлайди, кўз нуруни оширади. Умуман, ҳар қандай балиқдан тайёрланган таом кўз нури учун кони фойда ҳисобланади [3].

**Балиқ чиқонбил** – қиздирилган ёғга кесилган балиқ булакчалари тахлаб қўйилади, устига пиёз босилади. Бу таом тузни кўпроқ талаб қилади ва паст оловда узоқ вақт димлаб тайёрланади. Пишганида балиқ гўшти ҳил-ҳил бўлиб, унга ўзгача маза киради.

**Балиқ кабоб** – Хоразмда балиқни ўчоққа ёки тандирга кўмиб ҳам пиширишади. Бунинг учун балиқ тилла тангачаларидан ва ички аъзоларидан тозаланади. Қорин бўшлиғига майдаланган пиёз, помидор, саримсоқ пиёз ва озгина ўсимлик мойи жойланади (албатта тузланган ҳолда). Сўнгра балиқ 5-6 та қоғозга (ҳозирги кунда фольгага) қалин қилиб ўралади ва махсус тайёрланган чўғга кўмиб тайёрланади.

Шунингдек, воҳада балиқнинг дудлангани ҳам, қуритилгани ҳам тайёрланади ва севиб истеъмол қилинади. Айниқса, дудлангани жуда шифобахш ҳисобланиб, азиз меҳмонлар ташриф буюрганларида махсус тайёрланади, чиройли безатилиб дастурхонга тортилади.

Қорақалпоқларда балиқ пиширилган ёғда бўғирсоқ ёки палов пиширилган, лекин хоразмликлар бу ёғни алоҳида ажратиб қўйишади ва уни кейинги сафар яна балиқ пиширишда ишлатишади, баъзида эса ҳиди бор деб умуман овқат учун ишлатилмайди ҳам.

Балиқ фақатгина урчийдиган ойларида истеъмол қилинмайди, чунки бундай ойлarda балиқ истеъмол қилиш катта гуноҳ ҳисобланади.

Балиқ гўшти шунчалик ҳалол ҳисобланадики, ҳатто янги туққан аёл қирқ кун ўтмагунча балиқ гўшти емаган, чунки бу даврда аёл тоза ҳисобланмаган, ҳалол таомни ҳаром қилиб қўяди, деган тасаввур бўлган [4]. Шунинг учун янги туққан аёлга балиқ гўштира 40 кунгача чеклаш бўлган [5].

Хоразм воҳасида, хонлик даврларида кўплаб бозорларда, айниқса Хива бозорларида турли таомлар пиширадиган ошпазлар, каллапазлар ва балиқпазлар фаолият кўрсатганлар. Жумладан, XIX асрнинг 60 йилларида Хива шаҳрида балиқпаз ва каллапазлар 18 кишини ташкил этган [6].

Балиқ таркибида оқсил, ёғ ва углеводлар мутаносиб ҳолда бўлиб, асосий озиқ маҳсулотларига киради. Балиқдаги оқсиллар миқдори ва сифати жиҳатидан гўшт оқсилларидан қолишмайди. Балиқ ёғи эса, яхши сингади ва инсон учун жуда фойдали ҳисобланади.

Балиқли таомлар кўп миқдордаги минерал моддаларга – натрий, калий, фосфор, йод, темир, олтингургурт, хлорга бой бўлиб, бу моддаларга айниқса дарё ва денгиз балиқлари бой бўлади [7].

Балиқда экстрактив моддалар камроқ. Балиқ мойи узоқ сақланмайди, оксидланиб тез бузилади. Бундай нуқсон халқ тилида “занг босиш” деб аталади. Балиқ сиртидаги айнаб қолган ёғни (қўланса “занг” ҳидли, жигарранг) пишириш вақтида олиб ташласа бўлади. Бироқ, мушак ичидаги ёғ “занг босиб”, тахир бўлиб қолган бўлса, бундай балиқ яроқсиз ҳисобланади.

Хоразм воҳасида халқ орасида “балиқ еб бир ҳалолландик” деган атама жуда кўп ишлатилади. Бу ақидага Фарғона водийсида ҳам қаттиқ амал қилинган бўлиб, рўзадан аввал уни истеъмол қилишга алоҳида эътибор берганлар [8]. Чунки балиқнинг нафақат фойдали хусусияти мавжуд бўлиб, балки, инсонни тозаловчи, ҳалолловчи мажик хусусияти ҳам бор деб қаралади.

Ўрта Осиёнинг барча халқларидаги каби Хоразмда ҳам биз балиққа муқаддас мавжудот деб қараш ҳолатини учратамиз [9]. Чунки қадимдан балиқ ва балиқчилик билан боғлиқ жуда кўплаб ривоят ва афсоналар мавжуд бўлиб, бу афсоналарнинг деярли кўпчилиги ҳозирги кунимизгача халқ хотирасида яхши сақланган.

Қуйи Амударё этнографияси балиқ инончи ҳақида ҳар томонлама материал беради, энг аввало у ҳалол луқма деб таърифланади ва одамларга ижобий таъсир ўтказувчи ғайритабиий кучга эга ҳисобланади. Хоразмда Шарқнинг кўплаб халқларида яратилган Худолар кураши характеридаги афсоналар кўп учрайди. Унда балиқнинг муқаддас ҳалоллиги изоҳланади. Бу афсонанинг марказий образи кофир бўлиб, Худони ўлдириш учун ёйдан осмонга ўқ узади, аммо у худони ҳимоя қилишга ўз ихтиёри билан жазм қилган балиққа тегади. Шу сабабли балиқларнинг ойқулоғи (лойлиқ) ҳамisha ярадордек қип-қизил кўринади. Ушбу хизмати учун балиқ худо томонидан истаган пайтда ҳалол деб эълон қилинган. Афсона сўзсиз, китобий анъанага эга, бироқ унинг Хоразмда оммавийлиги тасодифий эмас [10].

Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги каби, Хоразмда ҳам муқаддас балиқлар сақланадиган ҳовузлар бор. Булар орасида алоҳида машҳурлик қозонгани Султон бобо зиёратгоҳидаги ҳовузда яшайдиган муқаддас сазанлардир. Зиёратга келган кишилар ушбу балиқларни боқишади, бутунлай лоқайд балиқлар қирғоққа келганда одамлар уларни силаб ҳам қўйишади.

Балиқ инончи билан алоқадор қолдиқ инончлар ҳақида гапирганда балиқчилик касби, унинг пири ҳақида ҳам сўзлашга тўғри келади. Хоразмдаги бу пир бошқа касбларниқидан тубдан фарқ қилиб, ибтидоий шаклини сақлаб, мусулмонликдан аввалги хусусиятлар унда яққол намоён бўлади. У муқаддас шахс эмас, мифик жонзот бўлиб сувда яшайди, балиқ подасини боқади. Унинг оти ҳам характерли – Сочли ота ёки Чочли ота. У сочлари ўсган, баҳайбат махлуқ сифатида гавдаланади. Балиқчилар қармоқ ташлагач, унга:

Балиқчи ота, бақчи ота,

Уни боққан Сочли ота, – дея мурожаат этишади.

Хоразм қолдиқ маросимларида балиқ “кўз тегиш”, ёвуз руҳларни диний “даволаш”да асосий восита, ҳомий саналади. Балиқлар орасида сазан ўзининг ғайритабиий кучи билан алоҳида ажралиб туради. Табиблар даволаш жараёнида сазанни беморнинг қорнига боғлашади. Сазаннинг суяги исвандга (исириқ) қўшиб тутатилади. Болага “кўз тегса” унга сазаннинг кузи суркалади. Сил касали билан оғриган беморни Амударёга олиб бориб, қайиққа ўтиргизиб, дарёдаги балиқларга қаратишган [11].

Лаққа балиқ билан алоқадор эътиқодлар ҳам қизиқарли. Кишининг қорни оғриси, унга лаққа гўшти майдаланиб боғланган. Бу балиқнинг умуртқа суяги болаларнинг дўпписига осиб қўйилади ва у “кўз тегиш”дан сақлайди [12] деб ишонилади.

Бакра балиқ қуритиб, аёлларга едирилади (бир нечта фарзанди вафот этган аёллар), уни еса, болалари нобуд бўлмас экан [13].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, инсон бутун умри давомида табиат эҳсонларидан баҳра олиб яшайди, унинг ҳаёти наботот ва ҳайвонот олами билан боғланган. Ўзининг ризқ-рўзини, емак-ичмагини у шу оламдан олади. Дала тадқиқотлари давомида шунинг гувоҳи бўлдики, воҳада балиқдан тайёрланадиган таомлар хилма-хил бўлиб, уларнинг барчаси замирида воҳа аҳолиси ҳудудида ҳозирги кунгача балиқ инончи мавжуд эканлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Шу туфайли замонамизгача балиқ, балиқчилик, балиқ таомлар билан боғлиқ кўплаб ирим-сиримлар

сақланиб келмоқда. Бу каби ирим-сиримлар эса, одамларнинг табиатга бўлган ҳурмати, эътибори ҳисобланади ва инсонларни тозалikka, ҳалолликка ундайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хива тумани, Каптархона маҳалласи, 2019 йил.
2. Мо'минова М. *Ovqat tayyorlash jarayoni (o'quv qo'llanma)*. – Т., 2006. – В. 67-68.
3. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Тозабог маҳалласи, 2019 йил.
4. Снесарев Г.П. *Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма*. – М.: Наука, 1969. – С. 325.
5. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Наврўз маҳалласи, 2019 йил.
6. Иванов П.П. *Архив Хивинских ханов XIX в. / Исследование и описание документов с историческим введением / Новые источники для истории Средней Азии*. – Л.: Издание Государственной публичной библиотеки, 1940. – С. 139.
7. Мо'минова М. *Ovqat tayyorlash jarayoni (o'quv qo'llanma)*. – Т., 2006. – В. 67.
8. Абдуллаев У. *Фарғона водийсида этносла-раро жараёнлар*. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 134.
9. Хайтун Д.Е. *Пережитки тотемизма у народов Средней Азии и Казахстана. Ученые записки Таджикского Госуниверситета. Т. XIV, Сталинабад, 1956; Демидов С. О пережитках верований, связанных с водной стихией и рыболовством у туркмен. Труды института истории, археологии и этнографии АН Туркмении. Т. XII, Ашхабад, 1963.*
10. Снесарев Г.П. *Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари*. – Урганч, 2018. – Б. 312.
11. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Урганч тумани, Юқорибоғ қишлоғи, 2019 йил.
12. Дала ёзувлари. Хоразм вилояти, Хива тумани, Каптархона маҳалласи, 2019 йил.
13. Снесарев Г.П. *Хоразмликларнинг мусулмонликдан аввалги маросимлари ва урф-одатлари*. – Урганч, 2018. – Б. 314.

